
Марғилон шаҳар судлари томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳуқуқий-тарғибот ишлари давом эттирилди

Жинойят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг раиси М.Марахимов ва Марғилон туманлараро иқтисодий суди раиси А.Акбаров томонидан

2021 йил 13 апрель куни Марғилон шаҳар, “Узумзор”, “Узун-ховуз” ва “Ўрда-таги” маҳалла фуқаролар йиғинларида м.ф.й вакиллари, фаоллари ва фуқаролари билан биргаликда учрашувлар ўтказилди.

Учрашувда судьялар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6034-сонли Фармони, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-679-сонли Қонунларининг мазмун-моҳияти тушунтириб ўтилди ва учрашув қатнашчилари ўзлари қизиқтирган саволларга керакли жавобларни олиб, ўз ҳуқуқий билимларини оширдилар.

Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг архив мудири М.Собиров

Марғилон туманлараро иқтисодий судининг судья ёрдамчиси Ж.Зокиров

2021-04-14 15:27:54